Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

15 октябрь, чоршанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 211 (1728)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14 октябрь куни АҚШнинг «Дановант Энтерпрайсиз» компанияси Бошқаруви Раиси ва бош ижрочи директори кенжа Уилям Б. Дановант бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

-- Сизнинг ҳар галги ташрифингиз ўзаро ҳамкорлигимизни ривожлантиришга сезиларли таъсир кўрсатмоқда, -- деди Ислом Каримов мулоқот чоғида. -- Жаҳонда пахта савдоси билан шуғулланувчи компаниялар анчагина. Бироқ, Ўзбекистон билан компаниянгиз ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилганидан буён ўтган қисқа вақт ичида кузатилган натижалар асосида айтиш мумкинки, «Дановант Энтерпрайсиз» айни пайтда биз учун ишончли ҳамкордир. Пахта савдоси бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгалловчи «Дановант Энтерпрайсиз» билан ўзаро тажриба алмашиш бизга жаҳон бозорида муваффақиятли ҳаракат қилишда катта ёрдам беради.

Кенжа Уилям Б. Дановант самимий қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этар экан, «Дановант Энтерпрайсиз» компанияси Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорликни тобора ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон пахта саноатига янги технология жалб этиш, мамлакатимизнинг жанубий вилоятларида «Дановант Энтерпрайсиз» компанияси билан биргаликда ингичка толали пахтани қайта ишлаш ва уни сотиш билан шуғулланадиган заводлар қуриш, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш учун амалга оширилиши зарур бўлган бошқа ишлар хусусида фикр алмашилди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ғаниев, Ўзбекистон пахтани қайта ишлаш ва пахта маҳсулотларини сотиш ҳиссадорлик уюшмаси раиси Э. Зикриёев иштирок этди.

(ЎзА)

СУРАТДА: қабул пайти.
С. ЗУФАРОВ олган сурат.

ОРОЛ ДЕНГИЗИ ҲАВЗАСИ МУАММОЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО УЧРАШУВ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Сизларни Тошкентда самимий қутлайман ҳамда мазкур учрашувингиз жаҳон жамоатчилиги эътиборини Орол денгизи ҳавзаси муаммоларига янада кучлироқ жалб этишга хизмат қилади, деб ишонч билдираман.

Орол бўҳрони бир минтақа доирасидан чиқиб, сайёрамиз миқёсида аҳамият касб этган бўлиб, бугунги кунда унинг ҳалокатли таъсири иқлимнинг ўзгариши, биологик мувозанат, алалоқибатда аҳоли ирсиятида ҳам сезилмоқда.

Улкан ҳудуднинг экологик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик ҳолатининг миқёс ва мураккабликлари бу муаммога комплекс ёндашув, қўшни давлатлар ҳамда умуман халқаро ҳамдўстлик ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш ва кенгайтиришни тақозо этади.

Мазкур учрашув Оролни қутқариш бўйича комплекс дастурни амалга оширишда муҳим босқич бўлиб қолишига, бу оламшумул муаммони ҳал этишда барча иштирокчиларнинг бир битимга келишига кўмаклашишига чин дилдан умид боғлайман. Барчамизнинг умумий вазифамиз - табиатнинг ночор аҳволга тушиб қолган ҳозирги мувозанатини барқарорлаштиришдан, инсоннинг яшаши ва фаолият кўрсатиши учун мақбул шарт-шароит яратиб беришдан иборат.

Барчангизга муваффақият ҳамда бу олижаноб ишингизга барака тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Оролни қутқариш Халқаро Жамғармаси Президенти.

ҚИШЛОҚДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ -- УСТУВОР ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойишига мувофиқ, 1997 йил 6 октябрда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий тадбирларни ишлаб чиқиш, шунга мувофиқ қонунчилик ва меъёрий асосни барпо этиш бўйича Республика комиссияси ташкил этилди.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича таклифларни тайёрловчи Республика комиссияси ўзининг биринчи мажлисида қуйидаги масалаларни ҳал қилиш бўйича материалларни тайёрлаш борасида устувор йўналишларни белгилади.

Қишлоқдаги ислоҳотларнинг бош йўналиши сифатида келажакда чорвачилик (наслчилик хўжаликларидан ташқари) ҳамда сабзавотчилик сингари соҳаларни якка шахсларга бутунлай топширишни назарда тутган ҳолда хусусий мулкчиликни, мулк эгасининг ўрнини мустаҳкамлаш эканини белгилаш;

Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ҳуқуқ ва иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш, деҳқонларда ерга эгалик туйғусини мустаҳкамлаш, деҳқонларнинг ўз меҳнати натижаларидан фойдаланиш борасидаги ҳуқуқларини тўла таъминлаш, қишлоқда мулк пайларини жорий этиш асосида мулк муносабатларини такомиллаштириш, ана шу муаммоларни ҳал қилмай туриб, қишлоқ хўжалигини тараққиётнинг замонавий даражасига кўтариб, бинобарин, қишлоқ ҳаётини ўзгартириб бўлмаслигини ҳисобга олиш;

Учинчидан, етиштирилган ҳосил учун ўз вақтида ҳисобкитоб қилиш йўли билан деҳқонларнинг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлигини ошириш; даромад ҳамда пай эгаларига дивидендларни бериш жараёнида барчага бир хилда тақсимлаш одатига барҳам бериш;

Тўртинчидан, пахта, ғалла ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик экинлари уруғини танлаш ва экиш муаммоларини ҳал қилиш, навларни маҳаллий ер-иқлим шароитларига мос ҳолда танлаш;

Бешинчидан, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини экиш ва ўстиришда хўжалик юритишнинг асосий мезони бўлган ҳосилдорликни ошириш таъминлайдиган агротехника қоида ва талабларига ўз вақтида ва сифатли риоя қилиш;

Олтинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияларини жорий этиш, деҳқончилик маданиятини ошириш, ер ҳосилдорлигини яхшилаш. **Кўтарилган масалаларни амалга ошириш мақсадида Республика комиссияси ва кичик комиссиялар зиммасига қуйидагилар юклатилди:**

1. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш масалалари ҳақидаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар -- қонунлар, Президент Фармонлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг бозор ислоҳотларининг ҳозирги босқичига қанчалик мувофиқ эканини чуқур таҳлил этиш ва танқидий баҳолаш;

1997 йил 10 ноябрига қадар қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш билан боғлиқ бўлган тегишли қонун ва меъёрий ҳужжатларга зарур ўзгартишлар киритиш, эскирганларини бекор қилиш ва янги ҳужжатлар қабул қилиш бўйича лойиҳа ва таклифларни тайёрлаб, тақдим этиш;

2. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш жараёнларини амалга оширишдаги мусбат ва манфий ҳолларни аниқлаб ҳамда уларга баҳо берган, ҳорижий мамлакатларда, республикадаги минтақа ва алоҳида хўжаликларда тўпланган тажрибаларни ўрганган, деҳқон ва мутахассисларнинг хулоса ва тавсияларини умумлаштирган ҳолда муайян хулосалар асосида қишлоқ хўжалигида хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш ҳамда қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантиришга қаратилган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

3. Тизим янгиланишлари борасидаги бўлимни тайёрлаш жараёнида ишлаб чиқаришнинг асосий воситалари, жумладан, мулк пайчилигига асосланган ерни тақсимлаш масалаларини чуқур ишлаб чиқиш, шартнома асосидаги оилавий пудратнинг кенг жорий этилишини, қишлоқ хўжалик ширкатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашни кенг тарғиб этишни назарда тутиш;

4. **Республика комиссияси ва кичик комиссияларга 1998-2000 йилларда Қишлоқ хўжалигини иқтисодий ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича дастурни ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.** Дастурда қуйидаги масалалар акс этиши лозим:

ўсимликшуносликни ривожлантириш, экин майдонларининг энг яхши тузилма ва ҳажмларини белгилаш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўтариш ва уларни ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш;

пахта ва ғалланинг маҳаллий шароитларга мослашган тезпишар, серҳосил, касалликларга чидамли навларини жорий этишга алоҳида аҳамият берган ҳолда селекция ва уруғчилик билан боғлиқ ишларни тубдан яхшилаш, сара уруғларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган минтақавий хўжалик ва корхоналарни барпо этиш;

чорвачиликни ривожлантириш, чорвачиликда наслчиликни тиклаш ва такомиллаштириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, суғориладиган ерларда озуқа экинларини кўпроқ экиш, оралиқ ва такрор экинлардан унумли фойдаланиш, тўйимли ем-хашак тайёрлашни кўпайтириш;

деҳқон (фермер) хўжаликларини ривожлантириш, уларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги ўрнини белгилаш, деҳқон хўжаликларини ер билан таъминлаш ҳамда ундан самарали фойдаланиш механизмини такомиллаштириш, деҳқон хўжаликларига хизмат кўрсатадиган корхоналар тармоғини барпо этиш;

ирригация ва мелиорация, сув ресурсларидан унумли фойдаланиш масалалари, хўжаликлараро ва хўжаликлар ичидаги канал ва ерости сув тармоқлари ҳолати устидан назорат қилиш ҳамда уларни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш;

ер ҳосилдорлигини ошириш, ернинг шўрланиш ва эррозиясига қарши кураш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларга алоҳида эътибор бериш;

қишлоқ хўжалик техникаси паркини ривожлантириш, уни ўзимизда ишлаб чиқарилган ҳамда етакчи хорижий фирмалардан харид қилинган ускуналар билан тўлдириш, техникага сервис хизмати кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаш ва кимёлаштириш;

ўзаро ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш, шартнома ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги контрактация ва шартнома муносабатларини тизимини, қишлоқ хўжалигидаги товар ишлаб чиқарувчиларга кредит ва суғурта бериш тизимини, таъминот, техник ва қайта ишлаш тизимларини такомиллаштириш, лизинг муомалаларини жорий этиш, хорижий сармоядорларни жалб қилишнинг эҳтиёж ва механизмларини, солиқ тизимини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиш чора-тадбирларини белгилаш;

қишлоқда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, ижтимоий маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоғини барпо этиш, қишлоқда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, кадрларни ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш.

5. Республика комиссияси олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун манфаатдор вазирлик ва идораларнинг раҳбар ва мутахассисларини жалб қилган ҳолда ишчи гуруҳлари тузиш тўғрисида қарор қилинди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимовга ва Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори Б. Мустафоевга «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» ҳамда «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир» томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 14 августдаги 396-қарорининг бажарилишини, шунингдек, машина-трактор парклари ва ҳосилдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиш чора-тадбирларини белгилаш;

қишлоқда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, ижтимоий маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоғини барпо этиш, қишлоқда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, кадрларни ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш.

5. Республика комиссияси олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун манфаатдор вазирлик ва идораларнинг раҳбар ва мутахассисларини жалб қилган ҳолда ишчи гуруҳлари тузиш тўғрисида қарор қилинди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимовга ва Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори Б. Мустафоевга «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» ҳамда «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир» томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 14 августдаги 396-қарорининг бажарилишини, шунингдек, машина-трактор парклари ва ҳосилдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиш чора-тадбирларини белгилаш, деҳқон хўжаликларини ер билан таъминлаш ҳамда ундан самарали фойдаланиш механизмини такомиллаштириш, деҳқон хўжаликларига хизмат кўрсатадиган корхоналар тармоғини барпо этиш;

ирригация ва мелиорация, сув ресурсларидан унумли фойдаланиш масалалари, хўжаликлараро ва хўжаликлар ичидаги канал ва ерости сув тармоқлари ҳолати устидан назорат қилиш ҳамда уларни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш;

ер ҳосилдорлигини ошириш, ернинг шўрланиш ва эррозиясига қарши кураш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларга алоҳида эътибор бериш;

қишлоқ хўжалик техникаси паркини ривожлантириш, уни ўзимизда ишлаб чиқарилган ҳамда етакчи хорижий фирмалардан харид қилинган ускуналар билан тўлдириш, техникага сервис хизмати кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаш ва кимёлаштириш;

ўзаро ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш, шартнома ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги контрактация ва шартнома муносабатларини тизимини, қишлоқ хўжалигидаги товар ишлаб чиқарувчиларга кредит ва суғурта бериш тизимини, таъминот, техник ва қайта ишлаш тизимларини такомиллаштириш, лизинг муомалаларини жорий этиш, хорижий сармоядорларни жалб қилишнинг эҳтиёж ва механизмларини, солиқ тизимини

ЖИНОЯТЧИНИНГ МИЛЛАТИ БЎЛМАЙДИ

Собиқ Иттифоқ ҳудудида ким хавотирсиз яшаяпти?

● *ЖИНОЯТЧИЛИК*

Иттифоқ тарқаб кетганидан кейин собиқ совет республикалари жиноятчиликка қарши курашда нималарга қодир эканини кўрсатиш имконига эга бўлди. Уларнинг ҳар бири бу борада ўз йўли билан кетди. Уларнинг барчаси янги жиноят кодексига эга бўлди. Мисол учун, бешта янги давлат - Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Молдова ва Литвани олиб кўрайлик. Бу мамлакатларда юз бераётган воқеалар бутун собиқ Иттифоққа хос. Мисол учун, Ўзбекистон жазони кескин кучайтирди, Қозоғистонда махсус тергов қўмитаси ташкил этилди, Молдовада милиция полицияга айлантирилди, Литвада эса Ғарб тажрибаси қўлланила бошланди.

Расмий маълумотлардан келиб чиққан ҳолда бу беш мамлакатнинг қайси бирида яшаш хавотирсизроқ эканини аниқлашга ҳаракат қилиб кўрайлик. Аҳвол қуйидагича: Ўзбекистон жиноятчилик бўйича энг тинч мамлакат бўлиб қолди. Ундан кейин Молдова туради. Қозоғистон бешликнинг ўртасидан жой олган. Литва ундан кейин туради. Россия ҳар қандай «рақобатдан ташқарида», яъни охирги ўринни эгаллаган. Ўтган йили Россия Федерациясида 30 мингга яқин қасддан қотиллик содир этилган.

Ўзбекистонда автомобил олиб қочиш бутунлай йўқолган, жиноятчилик даражаси кескин пасайиб бормоқда. Ҳисоботларга қараганда, Қозоғистонда, ҳатто Россияда ҳам жиноятчилик камаймоқда. Литвада эса, расмий маълумотларга қараганда, ўтган йили жиноятчилик саккиз фоиздан ошиқроққа кўпайган. Гап нимада ўзи? Эҳтимол, у ерда жиноятчилик бўйича маълумотлар бўяб-бежалмай қўйилгандир?

Литвада жиноятчилик 41,3 фоиз очилмоқда. Россияда эса-бу кўрсаткич етмиш фоизни ташкил этади... Қолган учта республикадаги кўрсаткичлар ҳам Россиядаги кўрсаткичларга яқин туради.

Таққослаб кўрайлик: кўпгина маърифий мамлакатларда жиноятчиликнинг очилиши қарийб 40 фоизни ташкил этади.

Бундан ташқари, бу мамлакатларнинг кўпчилигидаги асосий жиноят - ўғриликдан иборат. Ўғрилик барча қонун бузилишининг 80 фоизига яқинини ташкил қилади. Бу маънода маърифий мамлакатлар кўрсаткичларига яқинлашган давлат Литвадир. Бошқа республикаларда ўғрилик барча жиноятнинг 50 фоизидан ошмайди.

Энди мухбирларимиз юборган материаллар билан танишиб, жадвалга яхшилаб қаранг-да, қаерда кўчада бемалол, бехавотир юриш мумкинлигини ўзингиз билиб олаверинг!

● *Молдова*

ҚОТИЛЛАР КИШИНЁВГА ҲУЖУМ ҚИЛМОҚДА

Молдованинг ҳуқуқ-тартибот органлари, ўзларининг гапига қараганда, «Гравер» номи билан муваффақиятли операция ўтказишди. Операция пайтида қўлга олинган кишидан турли ташкилотларнинг 40 дан ортиқ сохта муҳр ва штамплари топилди. Кейинги пайтда ўғирланиб, сўнг хорижга жўнатилган деярли барча машиналар унинг қўлидан ўтгани аниқланди.

Орган ходимлари у кимса нолегал автобизнес билан шуғулланадиган йирик жиноий гуруҳга олиб борадиган калаванинг учи эканига умид боғлашмоқда. Улар ўтказилган тадбир тўғрисида «ниҳоят мафиянинг думини босдик, энди у қочиб қутула олмайди», деб жар солишга шошилишди. Кишинёв оғир жиноятлар бўйича Москвадан ўрта ҳисобда 2-3 йил орқада юради. Бизнинг ўзимизнинг қотилларимиз пайдо бўлганидан бери ҳали унча кўп вақт ўтгани йўқ, аммо улар 2О га яқин буюртма бўйича қотиллик содир этишди. Ҳали бу қотилликларнинг биронтаси ҳам очилмаган.

Молдова Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази ходими Евгений Вицунинг гапига қараганда, шу йилнинг 8 ойи мобайнида республикада 250 та қотиллик содир этилган бўлиб, уларнинг 182 таси очилган. Бу қотилликларнинг асосий қисми маиший хусусиятга эга.

Ҳар 3 жиноятдан бири мастлик ҳолатида юз беради, дейди полиция зобити. Кайф тарқаганидан кейин жиноятчилар пушаймон бўлиб, ўзлари полиция идорасига келади,

Евгений Вицунинг гапига қараганда, кейинги пайтда оғир тан жароҳати етказиш (317 жиноятнинг 217 таси очилган) ҳамда зўрлаш (158 жиноятдан 128 таси очилган) билан боғлиқ жиноятларни очиш унча қийин бўлмай қолган. Полиция товламачилар билан курашишни ҳам ўрганган.

Александр ТХОРОВ.

● *Литва*

КЎЧА ЖАНҒЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Паневежис марказида куппа-кундуз куни таъсир доираси учун талашаётган тўдалар ўртасида ҳақиқий жанг бўлди.

Қарама-қаршиликка бу билан нуқта қўйилгани йўқ. Ўзаро қураш бошқа шаклда - автомобилларга ҳужум қилиш шаклида давом этди. Улар пачоқланар, ёндириб юборилар эди. Паневежис комиссарлари дастлаб бу ишларни «шунчаки жанжал-да», деб баҳолашди. Анчадан кейин ишга киришишди: бир кечанинг ўзида элликка яқин тинтув ўтказилиб, жиноятчилар ҳибсга олинди.

Кимдир қўлга тушди, кимдир қочиб кетди, бироқ тўдалар энди «пистирма»да ишлашга ўтди. «Вильнюс бригадаси» бошига ҳам шундай ташвиш тушган эди. Бригада раҳбари Борис Деканидзе ҳибсга олиниб, отиб ташлангани кейин полиция энди гуруҳ тугади, деб ҳисоблаган эди. Лекин ҳатто матбуот ҳам гуруҳ бироз заифлашиб қолгани, лекин тугамагани, бошқа шаҳарлардан келган гуруҳлар таъсир доирасини ўрнатиш учун унинг ўрнига интилаётганини ёзмоқда.

Литва аҳолиси эса ҳайрон: ҳуқуқ-тартибот органлари уларнинг хавфсизлигини таъминлай олармикан? Паневежисдаги уруш тўдаларнинг шаҳар кўчаларида ўз ҳокимиятини ўрнатишининг ёрқин мисоли-ку. Пойтахт Вильнюснинг ўзи ҳам кейинги пайтда хунук шуҳрат қозонган. Президент Альгирдас Бразаускаснинг шаҳарда жиноятчиларни йўқотиш ҳақидаги даъватлари, ички ишлар вазири Видмантас Жемялиснинг уларни тезда йўқотамиз, деган ваъдаси ҳам натижасиз қолмоқда.

Юрий СТРОГАНОВ,
«Труд»нинг ўз мухбири.

1996 йил Аҳолиси	Қайд этилган жиноятлар	Жумладан қотиллик	Оғир жиноятлар	Ўғрилик	Наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятлар	Киши бошига тўғри келадиган жиноятлар
Ўзбекистон 23,7 млн.	65980	946	946	18778	-	0,003
Қозоғистон 17 млн.	183977	2625	4059	71352	17077	0,01
Молдова 4 млн.	34822	396	8083	17826	726	0,009
Литва 3,7 млн.	57980	405	18814	44600	511	0,016
Россия 148 млн.	2625100	29406	53417	1300000	96700	0,02

● *Ўзбекистон*

ТОШКЕНТДА КЕЧАСИ ҲАМ САЙР ҚИЛСА БЎЛАДИ

Тошкент шаҳар судининг аъзоси Р. ўз эрига қотил бўладиган одамни узоқ излади. Бир киши беш минг «кўк» валюта эвазига рози бўлган эди, охирги пайтда қўрқоқлик қилди. Иккинчи қотил ундан ҳам кўп сўради. Тошкентда квартира ҳамда янги «Волга»га келишишди. Аммо бу қотил ҳам иш битириш олдидан қаёққадир ғойиб бўлди. Эҳтимол у ҳам қўрққандир. Чунки унча-бунча кишини эмас, вилоят судининг аъзосини ўлдириш лозим эди. Аёлнинг жонига дугонаси ора кирди.

Эр-хотин бир йилдан ошиқроқ вақт муқаддам ажрашган эди. Лекин улар буни суда расмийлаштирмаган, ўзларини орада ҳеч нарса бўлмагандай тутишар эди. Чунки иккаласи ҳам ҳақиқатни қарор топтирувчи бўлиб ишлардида. Бироқ, эри бошқа аёл билан алоқа қилаётганидан хабар топган хотини пул эвазига қасосини олиб берадиган одамни қидира бошлади.

У қотилни топибгина қолмай, ишончлироқ бўлиши учун «иш»га ўзининг ўғли ҳамда унинг ўртоқларини ҳам жалб этди. Қурбонни квартирага алдаб олиб кирди. Телевизор кўриб ўтирган судяга қутилмаганда бир неча киши ташланган пайтда аёл гўё ошхонада банд эди. Қотиллар қурбонни сўйиб, танасини майда-майда бўлакларга бўлишди-да, пакетларга солиб, улкан шаҳарнинг турли жойларига олиб бориб ташлашди. Шошилинчда бир бўлакни жиноят содир бўлган жой яқинидаги ахлатхонада тушириб қолдиришди.

Қотилликни очиш ва қотилларни ҳибсга олиш учун тўрт ойча вақт керак бўлди. Қотилнинг буюртмачиси тўппа-тўғри иш қабинетида қўлга олинди. Бу муайян ишда, қатрада қўёш акс эттанидек, республиканинг ҳуқуқ-тартибот органлари жиноятчиликка қарши қандай курашаётгани яққол кўриниб турибди. (Бундан бир неча йил бурун пойтахт шаҳар суди аъзоси ўз кабинетида қўлга олиниши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эди)

Ўтган йилда (1992 йилга нисбатан) рўйхатга олинган жиноятлар сони 25 фоизга камайгани ҳам бежиз эмас. Ўзгаларнинг мулкини ўғирлаш миқдори ҳам қарийб икки баравар камайди. Ўғрилик ва талончилик 37 ва 46 фоизга, автотранспортни ўғирлаш ҳоллари эса бир неча бараварга камайди. Қотиллик сингари жиноят тури ҳам тобора камайиб бормоқда.

Тўғри, айни пайтда порахўрлик ва товламачилик бўйича кўрсаткичлар анча ўсди. Бу жиноятлар 1991 йилда 238 ва 926 тани ташкил этган бўлса, 1996 йилда 656 ва 1867 тага етди. Лекин Тошкент аҳолиси ва меҳмонлари кечакундузнинг исталган маҳалида кўчада бехавотир сайр қилиши, уйлари ёнида машиналарини қаровсиз ташлаб кетиши мумкин. Ишонгингиз келмайди, лекин ҳақиқатдан ҳам шундай!

Валерий БИРЮКОВ,
«Труд»нинг ўз мухбири.

● *Қозоғистон*

ШАҲАР ТЕМИР ҚАФАС ИЧИДА

Қозоғистон жиноятчилари оламида барча тинч аҳоли бошига кулфатлар келтираётган «қайта қуриш» жадал бормоқда.

...Олма-отадаги «Кенсой» мусулмон қабристонида даблабали дафн маросими бўлди. «Яшил бозор» - қариялар мамлакатнинг бош бозорини шундай деб аташади — директори билан видолашишга жуда кўп одам келди. Ишчан, жозибали, тўрли-туман доиралар билан яқин алоқада бўлган «Яшил бозор» раҳбари мамлакат Президенти қароргоҳининг яқинидаги уйдаги квартирасида ўлдирилган эди.

У бу воқеа яқинда юз берди. Бироқ ҳозир кўпчилик бу қотилликни эсламайди — одамлар диққатини янги фавқулодда ҳодисалар, янги ташвишлар банд қилган. Бу ташвишлар туфайли қўрқувчилар бозорида нарх-наво тобора ошиб бормоқда. Пул тўлашга қодир кишилар турар-жойларини мустаҳкамламоқда, эшикларига зирҳ, сигнализация ўрнатмоқда, қурол сотиб олмоқда, катта-катта қопағон итлар боқмоқда. «Янги қозоқлар»нинг коттежлари эшиги олдида эса, ҳарбий кийимдаги жангчи турибди. Уларнинг биттаси кўрингани билан, ичкарида — заҳирада қанчаси бор — Худо билади.

Илгариги очиқ, меҳмондўст, сокин Олма-ота ҳозир қафасланган шаҳарга айланиб қолган. Ўғирликлар, куппа-кундузи талончиликлар бу ерда оддий ҳодиса бўлиб қолган.

Мунтазам ўтказилиб туриладиган «Қуриқ» — «Сиртмоқ», «Ҳуқуқ-тартибот» тадбирлари ҳамда шаҳар кўчаларини мунтазам равишда «тозалаб туриш» очиқдан-очиқ жиноятчиликни бироз камайтирган, албатта. Бироқ...

Бу йилнинг ўзида Қозоғистонда умумий жиноятчилик 10 фоизга камайгани ҳолда, безорилик икки мартадан ортиқроқ, ўғрилик, талончилик ва қасддан қилинган қотиллик сезиларли даражада қўпайди. Тижорат телеканалларида ҳар кечқурун жиноятчиликка қарши курашадиган махсус бўлинмаларнинг жиноятчи тўдалар билан жангини кўриш мумкин.

Ҳа, ашаддий — қайта жиноятга қўл уриш сезиларли даражада камайган ва камайиб бормоқда. Лекин буни ҳам изоҳлаш осон: тўда раҳбарлари энди «иш»га ўзи бориб юрмайди. Овулдардан келган ҳамда шаҳарни тўлдириб юборган ёшлар арзимаган пул учун ҳамма нарсага тайёр.

Наркобизнес — ҳам шаҳардан ўтадиган наркобизнес, ҳам «уйдаги ҳосил» йиғими ўта мураккаб муаммога айланган. Бу йилнинг ўзида 15 тоннага яқин наркотик модда мусодара қилинди.

Бу орада Қозоғистон ички ишлар вазирлиги Акмолага кўчай деб турибди. Қозоғистоннинг янги пойтахти бўлмиш бу шаҳарга тергов ҳоналарини, иккита колонияни маҳбуслари билан кўчириш керак бўлади. Бу - жуда мураккаб иш. Олма-отада жиноятчиликка қарши кураш бироз заифлашиши аниқ.

Олег КВЯТКОВСКИЙ,
«Труд»нинг ўз мухбири.

ДАРВОҚЕ

Жиноятчиликка қарши биргаликда курашиш зарурати ҳамда бу заруратни англаш, афсуски, жиноятчилар янги давлатлар мустақиллигининг барча ижобий томонларидан фойдаланиб бўлганидан сўнгтина юзага чиқди. Тўғри, ҳозир доимий орган - МДҲ мамлакатлари Ички ишлар вазирликлари Кенгаши фаолият кўрсатмоқда, ҳамкорликда йиш олиб бориш, жиноятчиларни бир-бирига қайтариб бериш тўғрисида битимлар имзоланган.

Бироқ, буларнинг барчаси - дастлабки қадамлардир. Ҳозиргача айтайлик, собиқ иттифоқдош республикалар ҳудудида беркиниб юрган россиялик жиноятчини «олиб чиқиш» учун Бош прокуратура ҳамда Ташқи ишлар вазирлигининг аралашуви керак. Аммо ҳозирча идораларда қоғозбозлик давом этар экан, жиноятчилар бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга бемалол ўтиб юрибди.

Тахминларга қараганда, янги давлатларнинг биронтасида ҳам яқин икки-уч йил ичида жиноятчиликнинг кескин камайиши кутилмайди.

(«Труд» газетасининг 1997 йил 10 октябр сонидан олинди.)

ВАЗИР ДИПЛОМ ОЛДИ

Кейинги йилларда Ўзбекистонда жиноятчиликка қарши курашда катта ютуқлар қўлга киритилаётганлиги бутун жаҳон жамоатчилиги томонидан тан олинмоқда.

Бу республикамизда ҳуқуқшунослик фани ва амалиёти ўртасида мустаҳкам алоқа боғланганлигини кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси жамоасининг яқинда бўлиб ўтган тантанали мажлисида бу ҳақда яна бир таъкидлаб ўтилди.

Мажлисни республика ички ишлар вазирининг муовини Ш. Мавлонов очиб, Табиат ва жамият халқаро фанлар академиясининг биринчи вице-президенти, техника фанлари доктори, академик Исаак Гейхманга сўз берди. Гейхман ИИВ академияси олимлари ҳуқуқшунослик фанига катта ҳисса қўшаётганликлари, улар ҳуқуқий маданиятни, аҳолининг ва ички ишлар органлари ходимларининг қонунга итоаткорлигини такомиллаштириш, ички ишлар органларининг жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш муаммоларини ўрганишда катта ютуқларга эришаётганликларини таъкидлади. Сўнгра у ИИВ академиясининг бошлиғи, милиция генерал-майори, профессор У. Тожихонов ва академия криминология кафедрасининг бошлиғи, милиция полковниги, профессор З. Зариповлар Табиат ва жамият халқаро фанлар академиясининг академиги ва ҳақиқий аъзолари этиб сайланганлигини маълум қилиб, бу иккала олимга дипломлар ҳамда тегишли гувоҳнома ва нишонларни топширди.

Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликка қарши курашдаги хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, З. Алматов ҳам Халқаро академия дипломи ва фахрий нишони (крести) билан мукофотланди. Бу МДҲ мамлакатлари орасида айнан Ўзбекистонда жиноятчиликка қарши курашда, осойишталик ва барқарорликни таъминлашда юқори даражага эришилганлигининг эътирофидир.

С. РАЗЗОҚОВ.

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштиришганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Гули ЧЕҲРА (Алибоева) қадим Самарқанднинг қадим ва навқирон қиёфасини имкон қадар ўзбек матбуоти, хусусан, «Туркистон» газетаси саҳифалари орқали моҳирона ёритиб берган забардаст журналист. Уни таништириб ўтиришга ҳожат йўқ.

Бугун мамнуният билан таъкидлаймизки, Гули Чеҳра газетамизнинг Самарқанд вилояти бўйича ўз мухбири бўлиб иш бошлади. Унинг ёниқ қалбли ижодкорларга хос зукко қарашлари, воқеа-ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятини теран англаб қалам тебратиши сиз, азиз газетхонларнинг зийрак нигоҳингиздан пинҳон қолмайди, албатта. Қуйида журналистнинг бу кунги ижтимоий ҳаётимизнинг нозик қирраларини акс эттирувчи суҳбат — мақоласи билан танишасиз.

● *РАҲБАР ИШДА...*

«БИЗДА ЁМОН ИШЛАЙДИГАНЛАР ЙЎҚ»

дейди вилоят газлаштириш бошқармасининг бошлиғи Муҳаммад МОВЛУТ

- Булунғурдаги Килдон қишлоғида газ қувурлари уланганда қишлоқ қарияларидан бири дуо қилди: «Бир умр ўтин ёқиб кун кўрганмиз. Бизни ўйлаб, беминнат яхшилик қилгани учун ҳукуматга раҳмат, қўлларинг дард кўрмасин, болам».

Ана шу дуони эшитиб, ўз ишимдан фахрландим.

- Ҳозир вилоятда газлаштиришнинг аҳволи қандай?

— Худога минг қатла шукур, юқоридагидек дуоларни тез-тез эшитяпмиз. Бугунгача газлаштириш вилоят бўйича 80,8 фоизни ташкил этади. Бу республикада учинчи кўрсаткич. Қишлоқларнинг эса 70,8 фоизини газлаштирганмиз. Бу эса республикада иккинчи кўрсаткич. Вилоят бўйича ўтган беш йил давомида бу соҳада 60 фоиз ўсишга эришдик.



— Демак, ишни ҳам шунга яраша ташкил эттансизлар?

— Албатта. Президентимизнинг республика мустақил бўлгандан кейинги илк фармонларидан бири ҳам аҳолини табиий газ билан таъминлашни яхшилашдан иборат эди. Шу асосда аввало, лойиҳалаш гуруҳларини кўпайтирдик ва кучайтирдик. Ҳатто туманларда ҳам бундай гуруҳлар тузилди. Лойиҳалаш муддатларини қисқартирдик. Иккинчидан, бу ишга ташкилот, корхона, хўжалик ва шахсий маблағлар ҳам жалб этилди.

Жойларда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш бригадалари ташкил этилди. Улар пайвандлаш ишларини шартнома асосида қисқа муддатларда амалга оширмоқдалар.

- Фидоийлар ҳақида гапирсангиз.

- Бизда ёмон ишлайдиганларнинг ўзи йўқ. Шароит, масъулият, биттаси кўрингани билан, ичкарида — заҳирада қанчаси бор — Худо билади.

Илгариги очиқ, меҳмондўст, сокин Олма-ота ҳозир қафасланган шаҳарга айланиб қолган. Ўғирликлар, куппа-кундузи талончиликлар бу ерда оддий ҳодиса бўлиб қолган.

Мунтазам ўтказилиб туриладиган «Қуриқ» — «Сиртмоқ», «Ҳуқуқ-тартибот» тадбирлари ҳамда шаҳар кўчаларини мунтазам равишда «тозалаб туриш» очиқдан-очиқ жиноятчиликни бироз камайтирган, албатта. Бироқ...

Бу йилнинг ўзида Қозоғистонда умумий жиноятчилик 10 фоизга камайгани ҳолда, безорилик икки мартадан ортиқроқ, ўғрилик, талончилик ва қасддан қилинган қотиллик сезиларли даражада қўпайди. Тижорат телеканалларида ҳар кечқурун жиноятчиликка қарши курашадиган махсус бўлинмаларнинг жиноятчи тўдалар билан жангини кўриш мумкин.

Ҳа, ашаддий — қайта жиноятга қўл уриш сезиларли даражада камайган ва камайиб бормоқда. Лекин буни ҳам изоҳлаш осон: тўда раҳбарлари энди «иш»га ўзи бориб юрмайди. Овулдардан келган ҳамда шаҳарни тўлдириб юборган ёшлар арзимаган пул учун ҳамма нарсага тайёр.

Наркобизнес — ҳам шаҳардан ўтадиган наркобизнес, ҳам «уйдаги ҳосил» йиғими ўта мураккаб муаммога айланган. Бу йилнинг ўзида 15 тоннага яқин наркотик модда мусодара қилинди.

Бу орада Қозоғистон ички ишлар вазирлиги Акмолага кўчай деб турибди. Қозоғистоннинг янги пойтахти бўлмиш бу шаҳарга тергов ҳоналарини, иккита колонияни маҳбуслари билан кўчириш керак бўлади. Бу - жуда мураккаб иш. Олма-отада жиноятчиликка қарши кураш бироз заифлашиши аниқ.

Олег КВЯТКОВСКИЙ,
«Труд»нинг ўз мухбири.

ДАРВОҚЕ

Жиноятчиликка қарши биргаликда курашиш зарурати ҳамда бу заруратни англаш, афсуски, жиноятчилар янги давлатлар мустақиллигининг барча ижобий томонларидан фойдаланиб бўлганидан сўнгтина юзага чиқди. Тўғри, ҳозир доимий орган - МДҲ мамлакатлари Ички ишлар вазирликлари Кенгаши фаолият кўрсатмоқда, ҳамкорликда йиш олиб бориш, жиноятчиларни бир-бирига қайтариб бериш тўғрисида битимлар имзоланган.

Бироқ, буларнинг барчаси - дастлабки қадамлардир. Ҳозиргача айтайлик, собиқ иттифоқдош республикалар ҳудудида беркиниб юрган россиялик жиноятчини «олиб чиқиш» учун Бош прокуратура ҳамда Ташқи ишлар вазирлигининг аралашуви керак. Аммо ҳозирча идораларда қоғозбозлик давом этар экан, жиноятчилар бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга бемалол ўтиб юрибди.

Тахминларга қараганда, янги давлатларнинг биронтасида ҳам яқин икки-уч йил ичида жиноятчиликнинг кескин камайиши кутилмайди.

(«Труд» газетасининг 1997 йил 10 октябр сонидан олинди.)

● *...ВА ОИЛАДА*

«ГУЛЛАР БИЛАН ТИЛЛАШАМАН»

Ҳар бурчакдан «кулиб» турган хилма-хил гуллар, ўриндиқларга кийдирилган оқликлар, тоза ойналар бу ерда баъзи аёлларда ҳам учрамайдиган юксак диднинг, фаросатнинг, назокатнинг эгаси бўлган раҳбар ишлашидан дарак бериб турарди. Дарвоқе, шундай экан.

- Гулларни яхши кўрар экансиз-да. Қаёққа қараманг, гуллар...

У киши яйраб қулдилар:

- Қойил-эй! Сиз ҳам шуни сўрадингиз. Жудаям гулга ўчман. Аслида гулсиз яшаш жаҳолатнинг ўзгинаси. Эсимда, бундан бир неча йил аввал Кисловодск шаҳридан қайтаётиб, одатимча анча гул уруғидан олдим. Ўзбекистон фуқароси Россиядан гиёҳванд модда олиб кетаяпти, деб роса бошимни қотиришди. Тушунтирганча эсим оққанди-я.

— Ўйингизда ҳам шундай бўлса кераг-а?

— Бўлмасам-чи. Эрталаб икки соат ҳовлимиздаги гулларга, боққа қарайман. Ҳам эрталабки бадантарбия, ҳам кайфият жойига тушади. Рафиқам ҳам гулларни ёқтиради.

— Отангиз ихтиёри билан уйланганмисиз, ё?..

Тўсатдан берган саволим хаёли гуллар билан банд инсонни ҳайрон қолдирди.

— Ёшликда қўшни эдик. Мактабда бирга ўқиганмиз. Институтда, ҳатто бир факультетда ўқиганмиз.

— Тўйларингиз бўлган кунни қандай нишонлайсизлар?

— Фарида опангиз билан тўйимиз 1968 йил 23 февраль — туғилган кунимда бўлган. Ҳар йили икки шодиёнани бирга нишонлаймиз.

— Фарзандларингиз кўпроқ кимга ўхшашини хоҳлагансиз?

— Онамга. Чунки назаримда раҳматли онамдек болапарвар, меҳрибон, ширин сўз одам йўқ.

— Онангиздаги барча хислатларни рафиқангизда ҳам кўрасизми?

— Онамнинг пазандалиги, ширинсуханлиги, беозор қаттиққўллиги, болаларни яхши кўриши, саранжом-саришталиги Фаридахонга «юқиб» қолган. Ота-онамнинг ёлғиз фарзандиман. Шунинг учун исмимни Муҳаммад қўйишган. Улар бор меҳрини менга беришган. Ёшим анчага борган бўлса-да, гарчи мен ҳам фарзанд ўстирсам-да, уларнинг олдида ўзимни қарздор деб биламан. Рафиқам ҳам фарзандларимнинг онаси. Она билан онани бир-бирига ўхшаши яхшиликдир, эзгуликдир.

— Фарзандларингизни одобли, ахлоқан етук, меҳр-оқибатли инсон қилиб тарбиялай олдим, деб ўйлайсизми? Эрта кетиб кеч қайтсангиз...

— Ҳар ҳолда қизларимни яхши тарбия қилдик. Иккитасини турмушга бердик. Қизларим бувисига бирам ўхшайди. Беихтиёр қувониб кетаман.

— Хизмат сафарида юрганингизда рафиқангизнинг, невараларингизнинг қайси ҳолати кўз олдингизда туради?

— Невараларимнинг пишиллаб ухлаётгани ва Фаридахоннинг ухламасдан йўлимга кўз тикиб ўтиргани...

— Ишдаги ёмон кайфиятни уйга ҳам «кўтариб» келасизми?

— Ҳеч қачон. Мен беш минутда энг қаттиққўл раҳбардан энг меҳрибон (ака, ука)га айланишим мумкин.

— Маошингизга нима харид қилишни ёқтирасиз?

— Невараларимга ўйинчоқ. Уларнинг қувончи менинг қувончим. «Данагидан мағзи ширин» деганлари шу бўлса керак.

— Сиз ўқийдиган китобларнинг мавзуси, умуман бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?

— Кўпроқ тарихий китобларга қизиқаман. Бухоро, Самарқанд, Хиванинг тарихини жон-жон деб ўқийман. Агар образли қилиб айтсам, обидаларнинг тарихини саёҳатчиларга бошловчилик қиладиганлардан яхшироқ тушунтираман. Ўзбекбуюк миллат экан, унинг тарихи ҳам буюк. Бўш вақтларимнинг қолган қисмида боғ, гулларим билан «тиллашиш»ни ёқтираман. Ҳовли боғимизда Ўзбекистон анори, туғилган юртим Алматининг жийдаси, ҳар хил жойдан келтирилган узумлар, гуллар экилган. Уларни парвариш қилиш менга завқ бағишлайди.

— Уйда ҳеч ким бўлмаса, ошпазлик қилиш қўлингиздан келадими? Ёки сотиб олиш афзалроқми?

— Мен ҳеч қачон кўчадан овқатланмайман. Ҳатто тушликда ҳам. Агар вақтим кам бўлса, тухум қовураман. Уйгур бор жойда (Муҳаммад аканинг миллати уйғур) хамир таом бор дегандай, лағмон тайёрлашни хуш кўраман. Ошпазлик - фақат аёллар учун яратилмаган. Эркаклар уддаласа зиёни йўқ.

— Ишхонада сизни бошлиқ дебми ё инсон сифатида ёқтиришадими?

— Билмадим. Раҳбар қачон раҳбар бўлади? Токи унинг қўл остидагилар севса. Қўрққанидан «севса», унинг охири вой.

Муҳаммад Мовлут дутор чертиб ашула айтишни ёқтирар экан. Яшашни ўрганса арзийдиган бир инсон бўлса, шунчалик-да!

● *ХИВАНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН*

ХОРАЗМ ТЎЙГА ЧОРЛАЙПТИ

Воҳа тупроғининг сеҳри бор. Бу заминда дунёга донғи кетган Ал Хоразмий, Беруний, Замахшарий, Кубро каби алломалар камолга етган. Юрт донғи дунёга таралган. Хива эса воҳа заминидаги бир маржон. Зеро, у нафакат Шарқ, балки жаҳон маданияти бешикларининг бири. Кўҳна заминнинг бу йил нишонланаётган 2500 йиллик тўйи инсониятнинг ана шу буюклик олдидаги бир эҳтиромидир. Мазкур санани нишонлашга бутун вилоятда катта ҳозирлик кўрилди. Осори -- атиқалар, талайгина табаррук обидалар таъмирдан чиқарилди. Кўчалар, йўллар, майдон ва хиёбонлар ободонлаштирилди. Янги бино ва иншоотлар қад ростлади. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Раҳимбой Йўлдошев байрамнинг ана шу тадориги ҳақида мухбиримизга батафсил сўзлаб берди.

-- Бобокалонимиз Амир Темур, бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, биз бино қилган иморатларга қаранг, деганлар. Хиванинг улуғворлигини ҳис этмоқчи бўлган одам ундаги тарихий обидаларга кўз ташласа, бас. Бу улуғворликка тўла ишонч ҳосил қилади. Мазкур обидалар асрлар оша халқимизнинг бой маданиятини, кучқудратини, миллий ғурурини, илмуфани имкониятини намоён этиб келмоқда. Хивани очиқ осмон остидаги музей, деб бежиз аташмайди. Зотан, бу ерда илмий ва маданий қимматга эга ўнлаб ёдгорликлар жойлашган. Халқимиз уларни доимо асраб-авайлаб келган. Афсуски, тарихимизга беписанд кўз билан қаралган шўро даврида обидаларимиз ҳам қаровсиз қолди. Кўплари ўзининг асл қиёфасини йўқотаёзди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бебаҳо меросимизга ҳақиқий баҳо берилди, ўтмиш ва келажак олдидаги масъулият ҳис этила бошланди. Миллатимиз тарихида ўчмас из қолдирган инсонларнинг пок номларини тиклаш имкони пайдо бўлди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ҳукуматнинг Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейини нишонлаш тўғрисида қабул қилган қарори бу борадаги катта ишларни бошлашга яна бир омил бўлди.

Юбилейга тайёргарлик ишларининг асосийси, албатта, Хивадаги обидаларни таъмирлашдир. Айтиш мумкинки, бугунга келиб бу ишлар деярли якунланди. Ичонқалъа, Нуруллабой, Қибла Тозабоғ, мажмуаларидаги элликка яқин тарихий ёдгорликларни асл ҳолатига келтириш йўлида кўп иш қилинди. Шу ўринда таъмирлаш ишларида катта ёрдам кўрсатган «Ҳаёт» ва «Қадрият» корхоналарини, «Хоразмқурилиш», «Ўзжамоақурилиш», «Жанубгазқурилиш», «Ўздеҳқончиликқурилиш», «Ўзсувқурилиш», «Ўзтаъмирқурилиш» ташкилотлари хизматини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Байрам тантаналари чоғида Қибла Тозабоғ мажмуида «Дўстлик» хиёбонига асос солиш режалаштирилган. Тарихдан маълумки, бу жойда хонлар ўз меҳмонларини кутган. Ўйлаймизки, мазкур хиёбон халқлар ўртасидаги дўстлик рамзи сифатида шуҳрат қозонади.

Ўзбекистон Фанлар академияси, Маданият ишлари вазирлиги, Давлат матбуот қўмитаси билан ҳамкорликда махсус юбилей китоблари, ҳар бир ёдгорликнинг тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи варақалар нашрга тайёрланди.

Улуғ айём арафасида бутун Хива, қолаверса, воҳа замини гўзаллашиб, чирой очди. Кўпгина кўчалар, йўллар, майдон ва хиёбонлар таъмирланиб, ободонлаштирилди. Йўлаклар кенгайтирилди, гул ва дарахт кўчатлари ўтказилди. Бу ишларда ҳар бир хўжаликнинг баҳоли-қудрат ҳиссаси мужассам. Чунки улар бу тўй барчамиз учун шараф эканини дилдан ҳис этиб турибдилар. Ҳомийлар юбилей жамғармасига кўп миқдорда маблағ ўтказишди, зарур ашёлар билан таъминлашди. Бу ишларнинг бари уларнинг ўз ҳисобидан рўёбга чиқарилди. Бир сўз билан айтганда, вилоят тўй нафаси билан яшамоқда. Аҳоли «ЮНЕСКО»дек нуфузли халқаро ташкилот иштирокида ўтаётган бу тантаналарнинг аҳамиятини, бу тўйга Президентимиз томонидан кўрсатилаётган эътиборни чуқур англаб, ташкилотчиларга яқиндан ёрдам бермоқда. Ўтказилаётган хайрия тадбирларида бу нарса яққол намоён бўлди. Урганч шаҳрида «Маънавият ва маърифат» майдони барпо этилаяпти. У ерда улуғ шоиримиз Огаҳий ҳайкали ўрнатилди. Майдон ёнида янги «Бахт уйи» қуриш режалаштирилаяпти. Келин-куёвлар улуғ аждодлари руҳини ҳис этган ҳолда янги ҳаётга қадам қўйса, маънавиятимизнинг яна бир қирраси тикланган бўлади, деб ишонамиз.

Байрам арафасида Урганч аэропортида ҳам таъмирлаш ишлари якунланиб, учиш-қўниш майдони узайтирилди, келувчиларни юқори савияда қабул қиладиган янги терминал қуриб битказилди. Аэропорт халқаро мавқега эга бўлди.

Шу кунларда қурилаётган жами 84 километр узунликдаги Урганч -- Хива троллейбус йўналиши ҳам ишга тушиш арафасида. Республика ҳукумати бу мақсадда қарийб 600 миллион сўмлик маблағ ажратган. Ҳозир бу ишга вилоятнинг барча қурилиш ташкилотлари жалб этилган. Бу борада республика вазирлик ва идоралари, чунончи Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, «Тошшаҳарйўловчитранс» ассоциацияси катта ёрдам бермоқда. Юбилей куни жуда кўп давлатлардан ташриф буюрадиган меҳмонларни Хивага биринчи бор қатнай бошлайдиган троллейбусда элтиб кўйиш ниятидамиз.

Хиванинг 2500 йиллик тўйи миллий қадриятларимизни тиклашда катта аҳамият касб этиши билан бирга юртимизда халқаро сайёҳликни ривожлантиришда ҳам муҳим ўрин тутади. Зеро, туризм бугунги кунда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида миллий даромаднинг асосий манбаларидан бирига айланган. Ўйлаймизки, юбилей Хоразм воҳасини жаҳон туризми марказларидан бирига айлантиришда муҳим қадам бўлади.

А. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ЎРНАТИЛДИ

25 сентябрь куни Лондонда, Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британиядаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси ва Исландия Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги қўшма баёнотни имзолаш маросими бўлди.

Ҳужжатни ўз мамлакатлари ҳукуматлари номидан ва уларнинг топшириғига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британиядаги Фавқуллодда ва Мухтор элчиси Ф. Тешабоев ва Исландия Республикасининг Буюк Британиядаги Фавқуллодда ва Мухтор элчиси Б. Асгейрссон имзоладилар.

Икки давлат ўртасида дипломатик муносабатларнинг ўрнатилиши икки томонлама ўзаро манфаатли алоқаларнинг ривожланиб боришига хизмат қилади.

* * *

Исландия Атлантика океанининг шимолий қисмида жойлашган, майдони жиҳатидан Европанинг иккинчи орол давлатидир. Географик жойлашиши уни Атлантика океани атрофидаги мамлакатларни боғловчи кўплаб денгиз ва ҳаво йўллари кесишган марказга айлантирди.

Ҳудуди - 103 минг кв. км. Пойтахти - Рейкьявик шаҳри. Аҳолиси - 260 минг киши. Аҳолининг 99 фоиздан кўпроғини исландлар ташкил қилади. Диндорларнинг асосий кўпчилиги - протестант-лютеранлар.

Исландия — парламент республикаси. Ҳар йили республика эълон қилинган кун (1944 йил 17 июнь) миллий байрам сифатида нишонланади. Давлат бошлиғи - президент. У умумий сайловларда очиқ овоз бериш йўли билан тўрт йил муддатга сайланади. Исландия Республикасининг ҳозирги президенти Олафур Рагнар Гриммссон 1996 йилнинг август ойида қасамёд қабул қилган.

«Жаҳон» А. А.

● *ЯНГИ АСР БЎСАҒАСИДА*

ИНСОН ХАВФСИЗЛИГИ - ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Асримиз ўз поёнига етмоқда. Инсоният янги аср бўсағасида ортда қолган юз йилликни сарҳисоб қилмоқда. «Мўъжизалар асри», «Атом асри» деб ном олган XX аср одам боласи бошига икки жаҳон урушини, большевизм ва фашизмга ўхшаш мудҳиш офатларни солдики, бу инсон сочини оқартириб, унинг ёшини анча улғайтириб қўйди. Акл-идрокнинг буюк такомили сифатида кашф қилинган атом, бугунги кунда уни жиловлаш учун икки ҳисса ортиқ акл-идрокни талаб қилмоқда. Дунё дунё бўлиб яралиб, бу қадар таҳликага дучор бўлмаган эди. Аср сўнггида глобал экологик фожиалар, регионал нотинчлик, сепаратизм, фуқаролар ва ички этник тўқнашувлар инсоният хавфсизлигига рахна солувчи муаммолар сифатида кўндаланг бўлди.

Бундан олти йил муқаддам ўз мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистон Республикаси ҳам бутун жаҳонни қамраб олган юқоридаги таҳлит муаммолар ечимини излашдан четда турмаслиги ўйқ. 1997 йил мамлакатимиз учун минтақамизда ва жаҳонда Хавфсизликни сақлаш учун кураш йили бўлди, деб бемалол айтишимиз мумкин. Айниқса Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби хавфсизлик ғоясини янги, теран фикр-мулоҳазалар билан бойитди. Мазкур китобда воқеалар ривожи фақат Марказий Осиё минтақаси доирасидаги муаммолар қобиғида эмас, аксинча инсоният, умумжаҳон миқёсида бақамти келаётган глобал масалалар атрофида таҳлил қилинади.

Давлатимиз раҳбарининг минтақавий хавфсизликка оид амалий фаолияти сўзсиз мустақил ватанимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва обрўсини мустаҳкамлади. Жумладан, Тошкентда ўтказилган наркотик моддаларнинг ғайриқонуний ҳаракати мавзусидаги халқаро семинар-кенгаш, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти билан ҳамкорликда ўтказилган «Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар» мавзусидаги семинар-кенгаш, «Марказий Осиё - ядро қуролидан холи зона» мавзусидаги халқаро семинар, ЕХҲТ Парламент Ассамблеясининг кенгайтирилган бюроси мажлиси ва «Марказий Осиё ва Кавказда минтақавий хавфсизлик ҳамда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар масалалар» семинари мамлакатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши натижасида амалга ошдики, бу Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизлик масалаларига устувор эътиборининг яққол намунасидир.

Ватанимизда инсоннинг ҳаётда хавфсиз яшаш ҳуқуқи - энг олий қадрият, деб тан олиниб, уни амалда ҳеч истисносиз таъмин этиш бирламчи сиёсий йўл сифатида танлангани ва бу нарса тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Мамлакатимиздаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий барқарорлик хавфсизликнинг бош омили бўлаётганлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатга айланди. Мустақиллигини қўлга киритган собиқ совет республикалари ўтиш даврида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги барқарорлик ва тотувлик ҳар томонлама ривожланишнинг асосий гарови эканлигини Ўзбекистон танлаган сиёсий йўл мисолида яққол сезиб туришибди.

Албатта, ўтмишда Ўзбекистон ҳавас қилса арзигулик давлатчилик тарихига эга. Унинг ҳудудида бугун биз буюк давлатлар деб атаётган мамлакатларга монанд давлатлар барпо этилган. Янги Ўзбекистон - олис ўтмишдаги энг сара ғоя ва удумларни, қадрият ва анъаналарни, бугунги дунё эришган ютуқлар билан омухта қилиб, ўзининг мустақил йўлини белгилаб олди.

Ўтиш даврида, табиийки мамлакатимиз ҳам бир талай муаммо ва қийинчиликларга дуч келди. Айниқса шўро замонидан мерос қолган экологик фожиалар, Орол денгизининг қуриб бориши аҳволнинг мураккаб эканлигидан далолатдир. Мамлакатимиз раҳбари бу муаммолар ҳақида бор ҳақиқатни очиқ-ойдин гапириб, жаҳон жамоатчилиги диққатини БМТ Бош Ассамблеяси сессияси минбаридан шу масалага жалб этди. Ўзбекистон овози бутун дунёда акс садо берди. Орол бўйидаги вазиятни яхшилашга қўмаклашиш учун қатор давлатлар, халқаро ташкилотлар бел боғладилар. Жаҳон банки Орол бўйига алоҳида эътибор қаратди. Президентимиз ташаббуси ва Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари иштирокида Орол денгизини асраш бўйича халқаро жамғарма тузилди.

Ўтган олти йилнинг энг катта ютуғи мамлакатимизда сиёсий, ижтимоий барқарорликнинг таъминланганидир. Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган ЕХҲТ Парламент Ассамблеясининг «Марказий Осиё ва Кавказда минтақавий хавфсизлик ҳамда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар масалалар» семинарида ҳозир кўпгина давлатлар хавфсизлигига ташқи кучлар эмас, балки мамлакат ичидаги фуқаролар уруши, этник тўқнашувлар, иқтисодий таназзуллар хавф солмоқда деган фикр билдирилди. Шу нуқтаи-назардан қараганда, бу борада Ўзбекистон дунёнинг энг барқарор мамлакатига айланди. Республикамизда қабул қилинган қонунлар, яратилган ижтимоий-сиёсий муҳит миллатидан қатъий назар барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлари Конституциямиздан кафолатланганлиги барқарорликнинг устувор омили бўлди. Бугун мамлакатимизда истиқомат қилаётган юзга яқин миллат ва элатлар - Ўзбекистон Республикаси фуқароси номи билан ватанимизнинг буюк келажагини биргаликда қурмоқдалар.

Асримиз адоғида жаҳонда геосиёсий кураш авж олаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Жумладан, жанубий қўшнимиз Афғонистон 19 йилдан буён ана шундай курашнинг қурбони бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессияси минбаридан сўзлаган нутқида ва собиқ Бош котиб номига йўллаган мактубида жафокаш афғон тупроғида рўй бераётган бирodaркушлик урушини тўхтатиш борасида қатъий ва амалий таклифлар билан чиқди. Бугунги кунда Афғонистон масаласида мамлакатимиз тутган йўли бутун дунёга маълум: мавжуд барча муаммоларни қуролли кураш йўли билан эмас, можарога тортилган барча томонлар иштирокида тинч музокаралар йўли билан ҳал қилиш, Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик ва ушбу ҳудудга ташқаридан қурол-яроғ киритишни қатъиян таъқиқлаш. Ўзбекистон раҳбарининг бундай холис ва адолатли позицияси жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланди.

Умуман олганда, минтақа хавфсизлиги ҳақида гап кетганда йўлбошчимиз Афғонистон ва Тожикистон муаммосини оқилона ҳал қилиш юзасидан доимо реал, адолатли ғояларни илгари суриб келмоқда. Шу боис Ўзбекистон бугунга келиб, жаҳон жамоатчилиги кўз олдида Марказий Осиёдаги хавфсизлик ва барқарорликнинг гаранти, яъни кафолати сифатида намоён бўлмоқда.

Юқорида айтиб ўтганимиз - 1997 йил Ўзбекистон Республикаси учун алоҳида тарихий давр бўлди. Инсон манфаатлари йилида, одамларнинг хавфсиз ҳаёт кечиришлари учун тинимсиз курашиш - Президентимиз саъй-ҳаракатларида устувор ўрин тутди. Жаҳонда жуда юксак баҳоланган **«Марказий Осиё - ядро қуролидан холи зона» халқаро конференциясида юртбошимиз ўз нутқларида шундай дедилар: «Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона деб эълон қилиш ташаббуси - Марказий Осиё давлатларининг хавфсизлик, барқарорликни ҳамда бу минтақада истиқомат қилаётган кишиларнинг тинчлигини таъминлаш, айтиш мумкинки, минтақани барқарор ривожлантириш ва гуллаб-яшнатиш борасидаги манфаат ва мақсадлари муштараклигининг янги бир кўринишидир».**

Ҳақиқатан ҳам минтақада хавфсизликни таъминлаш мақсади ортида цивилизациянинг мазкур қадимий ўчоқларидан бирида одамларга муносиб ҳаёт тарзини яратиш, иқтисодиётни юксалтириш, мутараққий давлатлар сафидан муносиб ўрин олишдек ғоятда эзгу ва самимий ният ётибди. Янги - озод ва обод Ўзбекистоннинг XX аср интиҳосидаги эзгу мақсадлари ўз ижобатини топажагига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Жалолиддин САФОЕВ,
«Халқ сўзи» шарҳловчиси.



Қўқон шоҳбекати биноси даставвал 1894 йилда қурилган эди.
Гарчанд кейинги йилларда унга жузъий ўзгартиришлар киритилган бўлсада, лекин бино шу кун талабларига тўлиқ жавоб бермас, йўловчилар учун зарур шарт-шароит ва қулайликларга эга эмас эди. Шу муносабат билан бу ерда қисқа муддат ичида 150 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Янги шоҳбекат шарқона усулда қурилган бўлиб яратилган шарт-шароитлар, техник жиҳатдан жиҳозланиши билан ҳозирги кун талабларига тўлиқ жавоб беради. Вилоятда мустақиллик байрами арафасида 100 дан ортиқ иншоотлар фойдаланишга топширилган бўлса, ушбу шоҳбекат уларнинг ўртасида ўз салоҳияти билан алоҳида ажралиб турипти.
СУРАТДА: *Қўқон шоҳбекатининг кўриниши.*

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР

ТОШКЕНТ	Тел.: 45 13 57
САМАРҚАНД	Тел.: 22 57 69
БУХОРО	Тел.: 22 89 98
АНДИЖОН	Тел.: 26 52 94
НАМАНГАН	Тел.: 6 42 61
МАРҒИЛОН	Тел.: 37 19 96
УРГАНЧ	Тел.: 556 75; 651 43

Тажрибали дистрибьюторлар таклиф этилади

Coca-Cola Bottlers Tashkent Ltd.

180

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 14 октябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	56,37	1 Ирландия фунти	111,68	1 Норвегия кронаси	10,91
1 Австрия шиллинги	6,21	1 Исландия кронаси	1,08	1 Польша злотийси	22,56
1 Англия фунт стерлинги	124,17	10 Испания песети	5,18	10 Португалия эскудоси	4,30
10 Бельгия франки	21,18	100 Италия лираси	4,45	1 Сингапур доллари	49,64
1 Голландия гульдени	38,81	1 Канада доллари	55,50	1000 Туркия лираси	0,43
10 Греция драхмаси	2,77	1 Хитой юани	9,23	1 Финляндия маркаси	14,58
1 Дания кронаси	11,48	1 Қувайт динори	251,82	1 Франция франки	13,02
1 БАА дирхами	20,83	100 Ливан фунти	4,98	1 Швеция кронаси	10,09
1 АҚШ доллари	76,49	1 Малайзия ринггити	24,33	1 Швейцария франки	52,46
1 Миср фунти	22,58	1 Германия маркаси	43,71	1 ЭКЮ	85,64

10 Жанубий Корея вони	0,84
10 Япония иенаси	6,36
1000 Россия рубли	13,03
1 Украина гривнаси	40,90
1000 Беларусь рубли	2,73
1 Эстония кронаси	6,03
1 Латвия лати	130,53
1 Литва лити	19,12
1 Қозоғистон тенгеси	1,01
1 Қирғизистон соми	4,42

Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

«ПГС» ФИРМАСИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
КИЧИК ХОНАЙХОНАЛАР (4 ХИЛ ДАГИ),
САУНА УЧУН УСКУНАЛАР, САНОАТ ЭЛЕКТРОПЛИТАЛАРИ,
ГРИЛЬ, ХОТ-ДОГ УЧУН МОСЛАМАЛАР.
Тел.: (3712) 79-14-99, 79-38-54. „С. Рахимов" метро бекати.
143 нг А

● АРМОНЛИ ДУНЁ

«ДАДАЖОН! ҚЎҒИРЧОҒИМНИ ОЛИБ БЕРИНГ...»

Тунлари тушларимда бола йиғисини эшитаман. Кўзларимни қаттиқроқ юмиб, ўзимни чалғитишга уринаман. Фойдаси йўқ, бола хархашаси эшитилаверади.

У ниманидир менга тушунтиролмай хуноб, диванда ухлаб ётган отасини кўрсатиб қандайдир ишоралар қилади. Мен эса анграйиб туравераман. Охири сабрим тўлиб, бола томон интиламану, қўлларим ҳавода ўз-ўзидан йўқолиб қолади. Ҳайрон бўлиб яна болага қарайман. У ҳам бирданига ғойиб бўлади. Уни қидириб югураман, қаерларгадир чопаман. Лекин изларини ҳам тополмайман. Кўзларим юмилиб, ҳолдан тойиб йиқиламан. Яна бола фарёди мени ўрнимдан туришга мажбур қилади...

Бу туш мени сира тарк этмайди. Чўчиб уйғонганимда нигоҳим ўзининг каравотчасида ёйилиб ухлаб ётган ўғилчамга тушади. Унга термуламан. Кўнглим тинчиб яна ухлашга ҳаракат қиламан. Ичимдаги ғалати бир куч бетўхтов болам ҳақида ўйлашга мажбур қилади. Ювинтириш, овқатлантириш, тоза кийим кийдириб, боғчага олиб бориш ва уйга қайтиш, ухлатиш... Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи наҳотки мана шулардан иборат бўлса? «Тарбиячи энг аввало ўзи тарбияланган бўлиши лозим», деган оқилона гап бор. Биз кўпинча бошқаларга насиҳат қилишни яхши кўрамизу, аммо ўзимиздаги нуқсон, камчиликлар ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Тўғриғоғи, истамаймиз буни. Энди озгина мулоҳаза қилиб кўрайлик.

Оила -- муқаддас. Бу кўнгил мулкининг иморати минг машаққат билан мустаҳкам қилиб қурилса, у ҳатто асрларни енгиб ўтиши мумкин. Лекин юзаки, сохта-ишқ муҳаббат ёки мол-дунё сабаб вужудга келган оила тақдирича? Бу мураккаб саволга бир сўз билан жавоб топиш қийин. Бундай оилаларда тарбияланаётган фарзанд ҳаёти қандай кечади? Унинг руҳиятидаги салбий ўзгаришларга ота-она эътибор қиладими, йўқми бу саволлар мени кўпдан ўйлантиради. Мен журналист сифатидагина эмас, балки аёл сифатида ҳам жавоб излайман бунга.

Келинг, яхшиси, ҳаётнинг ўзидан жавоб қидиришга уриниб кўрайлик.

«Дадам шаҳримиздаги катта қиморбозлардан бири эди, - дейишлади Фарғона вилоят телерадиокомпаниясига келган мактубларнинг бирида.

-- Мен дадамни ёмон одам деёлмайман. Лекин у бирон марта бошимни силаб эркалатмаган. Тўғри, бир марта 7-8 ёшдалигимдами, аниқ эсимда йўқ, туғилган кунимда қўғирчоқ совға қилган. Болалик давримнинг энг қувончли куни эди ўшанда. Бошқа пайтлари уйимизда доим урушжанжал бўларди. Бир сафар тахлам-тахлам пул кўтариб келса, кейинги гал аяжонимнинг тилла тақинчоқларини олиб чиқиб кетарди. Иккита акам ота изидан кетди. Ахир, ўғиллар улғайгач, турли зиёфатлардан сўнг бўладиган қимор кечаларида ота билан бир қаторга ўтириб олиб, ошиқ ташлаб тургандан сўнг яна улардан нималарнинг кутиш мумкин? Акаларимнинг «ошиғи олчи» бўлса, дадам бир қоп семириб кетардилар: «Томирларингда менинг қоним бор-да! Балли, ўғилларим!». Бу мақтов гапдан сўнг ўғиллар яна қимор дунёсида от сурардилар. Вақти-соати етиб акаларим уйланди. Келин аяларим жуда яхши инсонлар. Улар ҳақида ёмон гап айтиш қийин. Иккаласини ҳам туғишган опамдай яхши кўраман. Лекин уларнинг юзидаги изтироб мени қаттиқ қийнайди. Аям бечорага ҳам, мана 27 йилдирки, шундай азият тинчлик бермайди. Ўзим ҳақимда ўйласам, юрагим орқага тортиб кетади. Яқинда билим юртини битираман, ҳамшира бўламан. Отам ҳозирданоқ, бир қиморбоз дўстининг ўғлига турмушга беришни ўйлаб юрипти. Наҳотки, мен ҳам келин аяларимга ўхшаб ҳаётимни гаровга қўйиб яшасам?...

Машкура».

Очиғи, бу мактубни эълон қилиш ҳақида узоқ ўйладим. Сендан нажот кутаётган қизнинг сирини ошкор қилиш яхши эмас бўлса-да, дунёда шундай Машкураллар борлиги, уларнинг ҳаммаси ҳам ўша синглимиздай тариф юрган. Улғайиб, турмуш қуриш вақти яқинлашгач, келин аялари, онаси тақдирини такрорлашни истамаяпти. Лекин ота фикрига қарши боришга унинг қурби етмайди.

Менимча, бу ерда она ҳам катта роль ўйнайди. Негаки ўз бахтини ҳаётда тополмаган аёл, фарзандини ўзи каби азоблар асираси бўлишини сира-сира хоҳламайди. Шунинг учун ҳам бутун журъатини ишга солиб, қизи тақдирини ёвуз чангаллардан тортиб олиши керак. Аммо йиллар ўз ҳукмини ўтказган, умри доим хавотир ичида ўтган, эрнинг жаҳолатлари қурбонига айланган аёл бунга журъат этармикан?

Машкура, синглим! Сени келажакда нима кутяпти? Бахтли тақдирми ёки зулматлар либосига ўранган қора шаҳзодами? Буни ҳеч ким айтолмайди. Лекин шу нарса аёнки, сенинг келажагингнинг қандай бўлиши кўпроқ ўзингта боғлиқ. Бунга энг аввало ўзинг ишонишинг ва бошқаларни ҳам ишонтира олишинг керак.

Халқимизда «Онасини кўриб қизини ол», дейишади. Куёв танлашда эса йигитнинг отасига қараб фикр юритилади. Энди фикримизни шу ерда тўхтатайлик-да, яна носоғлом оилавий муҳит ҳақида сўз юритайлик.

Яқинда хизмат сафари билан Бувайда туманида бўлдим. Кутилмаган бир можаро менинг диққатимни ўзига тортди.

Оилада ажралиш содир бўлиб, келин қайнонасиникидан кетаётган экан. Собиқ эрнинг нигоҳлари совуқ, қиёфасидан на афсусланиш, на иккиланиш сезиларди. Оиланинг тўнғич фарзанди онасига ёрдам бериш билан банд. Ундан кичиги кўзлари аланг-жаланг бир онасига, бир отасига мўлтираб боқади. Энг кенжатой юклари ортилган машинада ўтирар экан, бирдан додлаб қолди.

-- Дадажон, қўғийчоғим қопти, оп-чиқиб бейинг. Бўмасам, қўғийчоғим йиғлайди...

Қизчанинг овозидан ҳушига келган отанинг кўзлари катта очилди. Тобора узоқлашаётган машинадан ҳамон қизалоқнинг овози бўлиниб-бўлиниб эшитиларди. -- Қўғийчоғим қолди, қўғийчоғим...

Бу ажралишнинг устида турган оқсоқоллар, маҳаллий ҳукумат вакиллари гўёки ўзларининг назарларида эр-хотин мулкини бўлиб беришда адолат сақлаш учун гаров ҳисобланадилар. Лекин машина кабинасидан қизчанинг «Қўғийчоғим қолди» дея қилган нолаларини эшитиб турган оқсоқоллар ўша паллада отага «Бор, ўйинчоғини олиб чиқиб бер» дейишолмади. Воқеликдан ҳангу-манг ота эса ё қизининг гапини эшитди, ёки ўзини эшитмасликка олди. Шу вақтда оқсоқоллар йигитнинг ўз фарзандларидан айрилаётганини тушунтира олганларида эди, балки у ҳаётнинг қадрига етган бўлармиди? Ҳа, биз қадриятлар ҳақида жуда кўп сафсата сотамиз, лекин ўзимиз бир-биримизни қадрлашни билмаймиз. Аксарият ҳолларда шу бефарқлигимиз билан янги жиноятларнинг яралишига замин яратамиз. Кўчада 4-5 ўспирин қимор ўйнаб ўтирса ёки бирон бир кимсани ҳақорат қилаётган бўлса, биз уларни кўриб-кўрмасликка оламиз. Шу бепарволигимиз эртага бизга қимматга тушиши мумкинлигини хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Энди яна юқоридаги мисолимизга қайтайлик.

Ҳа, муттасил ичкиликка берилиш, саёқ юриш, доимий уруш-жанжаллар оқибатида ота оиладаги обрўсидан айрилди. Болалар отасини ҳурмат қилмай қўйишди. Хотиннинг ҳам сабру бардоши тўлиб тошди. Натижада оила парокандаликка юз тутди.

Яна бир оилани биламан, отасининг ароқ ичмаган куни йўқ. Болалар безиллашган. Оила бекасининг кўзларидан ёш тинмайди. Умри шундай одам билан ўтиб кетаётганлигига ачинади. 4 ёшли Даврондан сўрайман.

-- Ўғлим, сен ҳам ароқ ичасанми?

-- Йўқ, мен айоқ ичсам ҳеч ким ҳуймат қимайди, -- дейди у менга катталардай жиддий боқиб. Ишқилиб, шу фикрингдан қайтмагин деб қўяман ўзимча.

-- Ая, бизга бошқа дада олиб беринг, ичмайдиганидан, -- дейди Гулноза онасини қучоқлаб. -- Дадам менга бақираяпти.

Она қандай жавоб қилишни билмайди. Худодан эрига инсоф тилайди.

Ҳа, бундай мисоллар ҳаётда жуда кўп. Энг ачинарлиси, бундай ҳаёт тарзи болалар тарбиясининг бузилишига олиб келмоқда. Халқимизда «Мева шохидан узилиб узоққа тушмас», деган нақл бор. Демак, бола тарбияси ҳам шундай. Оиладаги носоғлом муҳит боланинг руҳига салбий таъсир қилади. Кимдир, нимадир сабаб бўлиб бола яхши йўлга тушиб ҳам кетиши мумкиндир. Афсуски, кўп ҳолларда болалар ота ҳаётини ўзларига ибрат деб билмоқдалар. Оқибат, яна орамизда бебурд, мунофиқ, андишасиз одамлар кўпайяпти.

Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган нутқида «Бола туғилган кунидан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади», деди. Биз эса шуни унутмаслигимиз лозим.

Матлуба АЗАМАТОВА,
Фарғона шаҳри



Норин туман ҳокимлиги туманда спорт ишларини жонлантиришга жиддий эътибор билан қарамоқда. Яқинда бу ерда теннис корти ишга тушди. Корт қошида бассейн, кичик ва катта теннис майдони, биллиардхона ҳам мавжуд. Шунингдек, бу ерда дам олиш хонаси ва чойхона ҳам ишлаб турибди. Мазкур спорт маскани ишчи ва ўқувчи ёшларнинг севимли гўшасига айланиб қолган.

СУРАТЛАРДА: *ҳаваскор теннисчилар Маъруфжон Назиров, Аҳмаджон Исмоилов ва Илдор Симашовлар машқ олдидан; теннис корти кўриниши.*

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган суратлар.

АРТУР ЯНА ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Сўнгги йилларда профессионал бокс бўйича икки маротаба жаҳон чемпионлигини қўлга киритган ватандошимиз Артур Григорян яна ўз мухлисларини қувонтирди.

Кўпчилик Артурнинг зафар қучишига қўникиб қолган бўлса-да, Германиянинг Котбус шаҳридан келган хушхабар бокс мухлисларини қувонтирмай қўймади. Артур бу ерда «Интерконтинентал чемпион» («қитъалараро чемпион») номи билан донг таратган америкалик Дэвид Армстронг билан куч синашди.

Профессионал бокс қоидаларига кўра, кураш ўн икки раунд давом этди. Аввалги учрашувларда оғир жароҳатланган бўлишига қарамай, ана шу ўн икки раунд давомида Артур ўз рақибига мунтазам равишда ҳужум қилиб турди. Бу эса ўз навбатида унинг керакли очколарни олишига сабаб бўлди. Мусобақа якунида ҳакамларнинг бир овоздан қабул қилган қарорига кўра, ўзбекистонлик боксчи ғолиб деб топилди.

(ЎзА)

Европа андозаларидаги лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиёда ягона қўшма корхона

"Лак колор синтез"
таклиф қилади

УНИВЕРСАЛ ЭМАЛЛАР,
деворлар ва шифтлар учун
ФАСАД БЎЁҚЛАРИ

КЕНГ ЁЙИЛГАН РАНГЛИ ГАММА!

Тўлов тури — олдиндан.
Сезиларли сийлов тизими.

1998 йилга шартнома тузиш 1 октябрдан бошланади.

СОТИБ ОЛАМИЗ: Сиккатив, флотореагент, нурга чидамли яшил пигмент.
Олий маълумотли химик лак-бўёқчилар КЕРАК.

Манзилимиз: Тошкент, Фарғона йўли, 35.
Тел.: (371) 191-44-46, 191-47-41.
Факс: (371) 191-74-63.

ХИНДИСТОН МАДАНИЙ МАРКАЗИ

барча ҳинд санъати ишқибозларини ҳинд мусиқа асбоби "Табла" ҳамда ҳинд рақс тўгаракларига таклиф қилади.

Машғулотларни профессионал ўқитувчилар
Манила Бхатт хоним
ва
Амарджит Сингх олиб борадилар.

Улар Ўзбекистон аҳолисини текинга ўқитиш учун Деҳли шаҳридан махсус юборилганлар. Маълумот олиш учун ҳамда тўгаракларда қатнашиш ниятингиз бўлса қуйидаги телефонга хоҳлаган вақтда қўнғироқ қилишингиз мумкин

133-33-65

Маданий марказнинг барча тадбирлари сиз учун бепул.



"ЎЗДУНРОБИТА" ЎЗБЕК-АМЕРИКА ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Хоразм вилояти меҳнаткашларини муборак кунлари — давлатга пахта етказиб бериш режасини муддатидан илгари бажарганликлари билан чин қалбдан табриклайди.

Келгуси ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз!

UZDUNROBITA cellular

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президиуми ва ЎзР ФА Бирлашган қасаба уюшмаси атоқли олим, академик **Убайдулла КАРИМОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент Фармацевтика институти ректорати ва жамоаси институтнинг фармацевтика ишини ташкил қилиш ва иқтисодиёти кафедраси мудири, профессор Э. Р. Тошмуҳамедовга умр йўлдоши **Раъно ая РИХСИЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Фармед» хусусий дорихона жамоаси шу дорихона раҳбари **Раъно опа РИХСИЕВАнинг** вафоти муносабати билан марҳума оиласига чуқур таъзия билдиради.

Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти жамоаси бош илмий ходим, геология ва минерология фанлари доктори, профессор З. С. Иброҳимовга умр йўлдоши **Мансубахон ИБРОҲИМОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти тиббий меҳнат экспертиза хизмати аъзолари ушбу тизимда ишлаб келган **Носир ЎРИНБОЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Хатлар 136-55-39;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-37-85;
Иқтисодиёт 136-36-65, 136-07-94;
Маънавият 136-35-60;
Тунги муҳарририят 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0670, 34,126 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Сафаров.
Навбатчи — Н. Мусомов.
Мусаҳҳиҳ — Ф. Бободўстов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 01.50 123456